



БОШҚАРУВ ҲИСОБИННИГ МОХИЯТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХАРАЖАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Собиров Отабек Олимжонович,
*PhD, Катта ўқитувчи, Бухгалтерия хисоби ва аудит кафедраси,
Наманган мухандислик-технология институти,
Наманган, Ўзбекистон. Email: sobirovotabekbx3@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0415-0802*

THE ESSENCE OF MANAGEMENT ACCOUNTING AND THE ROLE OF COSTS IN ITS ORGANIZATION

Sobirov Otabek Olimjonovich,
*PhD, Senior Lecturer, Department of Accounting and Auditing,
Namangan Institute of Engineering and Technology,
Наманган, Узбекистан. Email: sobirovotabekbx3@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0415-0802*

Аннотация. Уибу мақолада охирги йилларда мамлакатимизда содир бўлган бир қатор иқтисодий муваффақиятсизликлар ва иқтисодий ўсишининг секинлашуви, уларнинг сабаблари, жумладан бошқарув хисобини мазмуни ва мохиятини очиб беришга қаратилган фикр мулоҳазалар етарлича шакилланмаганини, мавжуд муаммоларнинг олдини олишига қаратилган аниқ чора-тадбирларни ўйқилиги келтириб ўтганимиз. Мазкур иқтисодий муваффақиятсизликлар ва усии самарадорлигини пастлиги натижасида хорижий инвесторларнинг бошқарув ва молиявий хисоботларга ишончи аҳамияти даражаси пасаяди. Уибу салбий холатлар натижасида корхонанинг келажакда стратегик ривожлантириши режаларини амалга оширишини катта хавф остида қолдиришига сабаб бўлади.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётiga назар солсак, корхоналар рақобатбардош бўлиши учун жуда пухта ўйланган холда тезкор стратегик ва тактик қарорлар қабул қилиши хисобига

корхоналарни иқтисодий барқарорлиги тамиланаётганлигини кузатши мумкин. Шунинг учун хам бошқарув ҳисобини ташкил этиши корхоналарни келажакдаги юқори самарадорликка эришишида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқотимиз бугунги кунда республикамизни жахон бозорига чиқиши, хорижий инвесторларни мамлакатимизга жалб этишида инвеститцион жозибадорликни оширишида, бундан ташқари валюта оқимини кўпайтириши ва қўшимча ишчи ўринларини ортишига эришилишига қаратилганлиги билан долзарбdir. Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, хар қандай ишлаб чиқарии фаолияти билан шугулланувчи корхоналар ўз бошқарув хисобини тўғри ташкил этиши билан бирга ишила чиқараётган маҳсулоти таннархини пасайтириши имкониятларини тизимли кўриб чиқмас экан ривожланшида самарадорликга эришиши жуда қийин. Юқоридагилардан келиб чиқган хода, бошқарув хисобини мохияти ва аҳамияти, вазифалари, стратегик бошқарув хисобининг ташкил

этиси ва олдига қўйилган мақсадларни эришилишини таъминлаш мақсадида мавжуд муаммолар ечимига қаратилган тизимли таклифлар ишилаб чиқилган.

Бундан ташқари бошқарв хисобини самарали ташкил этишидаги юзага келадиган иқтисодий муносабатларга тўхталиб ўтилган ва хорижий ва мамлакатимиз олимларининг тадқиқот ишилари натижаларидан хаволалар келтириб ўтилган. Келтирилган хаволаларда асосан бошқарув хисобида харажатларни ўрни қай дараражада мухимлигига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, харажатларни хисобга олишида ишлатиладиган айрим синоним сўзларни (харажат, чиқум ва сарф) мазмун –моҳиятига кўра тўғри ишлатишни юзасида ўз фикр мулоҳазаларимизни баён этганимиз.

Abstract. In this article, we have mentioned a number of economic failures and the slowdown of economic growth that have occurred in our country in recent years, their causes, including the fact that opinions aimed at revealing the content and essence of management accounting are not sufficiently formed, and there are no specific measures aimed at preventing existing problems. As a result of these economic failures and low growth efficiency, the level of confidence of foreign investors in management and financial reporting is decreasing. As a result of these negative conditions, the implementation of the company's future strategic development plans is at great risk.

If we look at the economy of developed countries, it can be observed that the economic stability of enterprises is ensured by making quick strategic and tactical decisions in order to be competitive. Therefore, the organization of management accounting is important for enterprises to

achieve high efficiency in the future. Our research is relevant today as it is aimed at increasing the investment attractiveness of our republic in the world market, attracting foreign investors to our country, increasing the flow of foreign currency and increasing the number of additional jobs. At this point, it should be noted that it is very difficult for enterprises engaged in any production activity to achieve efficiency in development if they do not systematically consider the possibilities of reducing the cost of their products along with the proper organization of their management account. Based on the above, the essence and importance of the management account, tasks, the organization of the strategic management account and systematic proposals aimed at the solution of the existing problems were developed in order to ensure the achievement of the set goals.

In addition, the economic relations arising in the effective organization of management accounting were touched upon, and references were made from the results of the research works of foreign and our country's scientists. The cited links mainly focus on the importance of the role of costs in management accounting. We have also expressed our opinions on the correct use of some synonyms (cost, output, and expenditure) used in the calculation of expenses according to their meaning.

Калим сўзлар. Бошқарув хисоби, харажатлар классификацияси, калькуляция, чиқум, таннарх, бошқарув қарорлари, инвестиция, маҳсулот, ҳалқаро стандартлар, стратегик қарорлар.

Keywords. Management accounting, cost classification, calculation, output, cost, management decisions, investment, product, international standards, strategic decisions.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотлар туб замирида тадбиркорлик субъектларнини молиявий кўллаб – қувватлаш механизmlарини такомиллаштириш ётади. Хўжалик юритувчи субъектларни барқарор иқтисодий салоҳиятга эриши учун бошқарувда қабул қилинаётган қарорларни сифати, тезкорлиги ва аҳборотларни тез алмашувчанлик омиллариiga катта аҳамият қаратилиши лозимдир. Бунинг учун бошқарув хисобини чуқур ўрганиш олдига кўйилган мақсадларга эришилишида жуда муҳим аҳамият касб этади. Бошқарув хисобининг моҳиятига тўғри баҳо бериш учун айнан харажатлар классификацияси масаласини атрофлича таҳлил қилиб чиқиш ва унинг бошқарув хисобидаги ўрнига холисона мулоҳазани шакллантириш долзарб масаладир. Бошқарув хисобида харажатлар тўғрисидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эгалиги ва кўплаб соҳалар ва жараёнлар таҳлилида қўлланилиши билан ўзига хосдир. Унинг ушбу хусусиятлари бошқарув хисобининг «турли мақсадлар учун турли харажатлар» концепциясини шакллантиради. Харажатларнинг таркибий тузулиши уларниг моҳиятини чуқур таҳлил қилишни талаб қиласди. Улар асосида олинган ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларида қўлланилаётган маълумотлар самараси кўп жиҳатдан уларнинг табиатини, сабабнатаижавий алоқаларини чуқур тушунишга боғлиқ. Харажатлар классификацияси – тадқиқот обьекти сифатида – хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув хисоби муаммоларини яққол кўрсатиб беради.

Шу муносабат билан у алоҳида илмий муҳокама обьекти бўлиши керак, чунки у ўзининг ижобий ечимини кутаётган қатор муаммоларига эга.

Бугунги кунда соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли хал этиш мақсадида кўплаб Фармон ва Қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги PQ-4611-сонли “Молиявий хисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони хамда ушбу ишларни мантиқий давоми сифатида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги PQ-4611-сонли “Молиявий хисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштириш чора тадбирлари белгилаб берилган эди [1,2]. Ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш аввало хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув хисобини самарали юритишни ташкил этишлари ва харажатлар хисобини тўғри йўлга қўйишлири муҳим аҳамият касб этади.

Бошқарув хисобида харажатлар классификациясини кўриб чиқишини жуда кўп олимлар ва амалиётчилар айнан шу борадаги атамалардан бошласада, лекин қайд этиш керакки, уларнинг моҳиятига

ёндошувда ҳозиргача ягоналик шакллангани йўқ. Шунинг учун илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва мавжуд муаммоларга ечимлар излаш энг долзарб масалалардан хисобланади.

Материал ва метод. Бошқарув ҳисобининг мақсади ва вазифалари бўйича кўплаб хорижий ва мамлакатимиз тадқиқотчи олимларнинг ўз ёндашувлари мавжуд. Мазур ёндашувлар бошқарув ҳисобини келажакда янада ривожлантиш, мавжуд муаммоларга ечимлар топишга қаратилгандир. Ушбу ёндашувларнинг энг оммавийлашган қарашлари М.А.Вахрушина, Н.П.Кондраков, М.А.Иванова ва бошқалар ишларида берилган. М.А.Вахрушинанинг қарашлари бўйича «бошқарув ҳисоби мақсадлари»: 1. Тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун раҳбарларни маълумотлар билан таъминлаш; 2. Корхона ва унинг масъулият марказлари фаолияти иқтисодий самарадорлигини назорат қилиш, режалаштириш ва истиқболини белгилаш; 3. Нархни белгилаш учун маълумотлар базасини яратиш; 4. Корхона ривожланишининг янада самаралироқ йўлларини танлаш кабиларни ифодалashi такидланган. Муаллифнинг ёндашуви қуйидагиларни назарда тутади: бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъект бошқаруви мақсадларига мўлжалланган бўлишлиги; ахборот таъминотининг корхона бўлинмалари бошқарувига йўналтирилганлиги; факат тезкор қарорларни тайёрлашга йўналтирилганлик (ваҳоланки, тўртинчи вазифанинг стратегик қарорлар билан боғлиқлик эҳтимоли мавжуд) кабиларни ўз ичига олади [3]. Н.П.Кондраков ва М.А.Иванова ўз ёндашувларида саккизта вазифани келтирадилар, масалан, моддий,

молиявий ва меҳнат ресурсларининг миқдорини ва ҳаракатини ҳисобга олиш ва улар бўйича бошқарувчиларга ахборот бериш; маълум кўрсаткичлар ҳисобкитоби ва бошқаларни амалга ошириш имконини беришини такидлашган [4].

Ушбу тақдим этилган вазифалар бошқарув ҳисобини олиб бориш бўйича ишлар ҳажмини тўлиқ тавсифлайди, бироқ улар нофаол табиатга эга, айнан бизнесни юритиш самарадорлигини ошириш мақсади кўринмайди. Уларнинг қарашларида бошқарув ҳисоби хўжалик юритувчи субъект бошқаруви самарадорлигини билвосита оширишга мўлжалланган бўлиши таъкидланади. Бироқ, рақобатда афзаликларга эришиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект капитали миқдорини оширишга қаратилган омилларга хизмат қилувчи янги вазифаларни киритиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билдирилмаган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, бухгалтерия ҳисоби бўйича қоидаларда, шунингдек молиявий ҳисобни белгиловчи меъёрий хужжатларда «харажатлар», «сарфлар», «чиқимлар» атамалари синоним-сўзлар сифатида ишлатилади. Атамаларнинг ноаниқлиги амалиётда тушумларни “касса” ёки “хисоблаш” усуслари билан аниқлашда сарфлар (харожатлар, чиқимлар)нинг аниқ бўлиниши мавжуд эмаслиги туфайли, улар алоҳида маъно касб этмоқда. Оқибатда, бу нафақат ҳисоб соғлигини (назарий маънода), балки ҳисобни компьютерда шакллантиришга, солик хатоликларига олиб келмоқда.

Шунга ўхшаш муаммоларнинг ечимлари катор мамлакатларда ўз ечимини ҳозиргача топмаган. Россия иқтисодий адабиётларида бир неча бор «харажатлар» ва «сарфлар» атамаларини

«ажратиши» ҳаракатлари қилинмоқда. Махсус атамалар мақсадга мувофиқлигини тан олган ҳолда, Россиядаги ушбу учта атаманинг синонимлар сифатида анъанавий кўлланилиши муносабати билан, фикримизча, уларнинг ҳар бирига махсус вазифа берилиши сунъий чорадир. Шу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борган мамлакатимиз олимлари ҳам ана шу атамалар моҳиятини ўзларининг тадқиқотлари марказига қўйишган ва ана шу категорияларнинг моҳиятларини ёритиб беришга ҳаракат қилишган. Масалан, М.Б.Калонов илмий тадқиқот йўналиши ҳаражатлар ҳисоби методологиясини такомиллаштириш масалаларига қаратилган бўлсада, юқорида қайд этилган “чиқим”, “сарф” ва “ҳаражат” категорияларининг моҳиятига алоҳида тўхтамаган [5].

Бундай ёндошувдан фарқли ўлароқ ва эътироф этиш керакки, атрофлича таҳлиллар асосида А.З.Авлоқулов чиқим, сарф ва ҳаражат категорияларининг амал қилиш доираларини илмий жиҳатдан асосли тарзда кўрсатиб берган [6].

Бундан ташқари А.Х.Пардаев, У.У.Костаев, З.А.Пардаевалар ўз тадқиқотларида ҳаражатларни самарали юритишини такомиллаштириш масалаларини ёритиб ўтганлар[7,8].

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш ва шу борадаги мавжуд бошқа илмий мактаблар намоёндаларининг талқинларини таҳлил қилиш натижалари кўрсатадики, атамалар моҳиятини аниқлаш олимлар томонидан муаммони кўтариш учун ўтказилган. Ҳақиқатда ҳам шундай муаммо бор. Бироқ, унинг мавжудлигига қарамай биз, бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш мақсадида «сарфлар», «чиқимлар», «ҳаражатлар»

атамалари синонимлар сифатида кўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳаражатларни классификация қилишга турли хил ёндошувлар мавжуд бўлиб, уларда турлича гурухлаш усуллари мавжуд.

Молиявий ҳисобда ҳаражатларнинг хўжалик юритувчи субъект бўйича умумий ҳажми тўғрисидаги ахборот шаклланади. Шу муносабат билан одатда ҳаражатлар: асосий фаолият тури ҳаражатлари; операцион ҳаражатлар; реализация билан боғлиқ бўлмаган ҳаражатлар; бошқа фаолият турлари бўйича ҳаражатлар (материалларни харид қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар ва ш.к.); унсурлар бўйича ҳаражатлар турларига бўлинади.

Бозор муносабатлари ривожланиши билан хўжалик юритувчи субъектни бошқариш учун ҳаражатларнинг хўжалик юритувчи субъект бўйича умумий ҳажми ҳақидаги маълумотларнинг ўзи етарли эмас. Эндиликда ана шулардан ташқари, ҳаражатларнинг пайдо бўлиши жойлари; калькуляция объектлари; масъулият марказлари; бошқа белгилари бўйича гурухланган ахборотлар ҳам зарур. Ахборотларни аниқлиги ва тезкорлигини таъминлаш ҳамда бу бордаги мавжуд муаммоларга тизимли ечимлар топиш бўйича кўплаб хорижий тадқиқотчи олимлар илмий изланишлар олиб боришган ва самарали натижаларга эришганлар[9,10,11].

Ҳаражатлар классификацияси аҳамияти муносабати билан унинг муаммолари ва мезоний белгиларини, ҳаражатлар тоифаларини ажратиши ечимлари, уларнинг тавсифи каби масалалар илмий доираларда ва матбуотда бир асрдан ортиқ вақтдан бўён муҳокама этилмоқда.

Ҳозирги илмий ва услубий адабиётларда,

харажатларни классификация қилишнинг ўнтағача гурӯҳий белгилари саналади, бироқ барчаси ҳам амалда ишлатилмайди. Шу борадаги илк таклифлар В.И.Стоцкийга тегишли бўлиб, олим харажатларни классификацияси қилиш асосига калькуляция мақсадларига мўлжалланган бўлишига эътиборни қаратади ва харажатлар классификациясида харажатларни ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлилик даражасига қараб - ўзгарувчан ва ўзгармас тоифага бўлишини таклиф этади.

Натижалар. 1.Бошқарув ҳисобини мақсад ва вазифалар доирасидан келиб чиқиб, хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан бошқарув ҳисобига берилган ёндашувлари танқидий таҳлил қилган ҳолда бошқарув ҳисобига қўйидагича муаллифлик таърифи таклиф этмоқдамиз: *бошқарув ҳисоби фаолият мақсадларига ва рақобат афзалликларига эришиши учун хўжалик юритувчи субъектлар ва унинг бўлимлари фаолиятини бошқарииш мақсадида тактикавий ва стратегик бошқарув қарорларини тизимли тартибда қабул қилиши учун зарур бўлган тезкор маълумотларни тўплаши, ўлчаши, тизимга солиши, таҳлил этиши ва узатишни таъминловчи ахборот тизимини ташкил этади.* Фикримизча, юқорида бошқарув ҳисобига келтирилган таъриф бошқарув ҳисобини моҳиятини янада мукаммалроқ очиб беришга хизмат қиласди.

2.Харажатлар классификациясига ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатдики,

уларни тоифалашда турли белгилардан фойдаланишади ва шунга мувофиқ турли варианtlарни таклиф этишади, яъни классификациялашнинг турли даражалари тавсия этилади. Шу билан бирга эътироф этиш керакки, тоифавий белги сифатида битта мезонни олиб харажатлар классификация қилинадиган бўлса, олинадиган маълумотларни қўллаш йўналишларини унчалик самара бермайди, натижада, у амалиётда эмас, кўпроқ назарияда қўллашга яроқли, деб ҳисоблаймиз.

3.Тадқиқотимиз натижаларидаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш ва шу борадаги мавжуд бошқа илмий мактаблар намоёндаларининг талқинларини таҳлил қилиш натижалари кўрсатдики, атамалар моҳиятини аниқлаш олимлар томонидан фақат муаммони кўтариш учун ўтказилган, деб ҳисоблаймиз. Хақиқатда ҳам шундай муаммо бор. Бироқ, унинг мавжудлигига қарамай биз, бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш мақсадида «сарфлар», «чиқимлар», «харажатлар» атамалари синонимлар сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

4.Бу борадаги мавжуд ёндошувларни танқидий ўрганган ҳолда, бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш ва юритиши мақсадида харажатлар классификациясини иккита тоифавий белги бўйича амалга оширишни тавсия қилдик: фойдаланишнинг устувор мақсади (ФУМ) бўйича ва харажатлар категорияси (ХК) бўйича (1-жадвал).

1 - жадвал

Бошқарув ҳисобини ташкил қилиш бўйича харажатлар классификацияси¹

ФУМ	ХК	Харажатлар турлари	Классификация
-----	----	--------------------	---------------

¹ Тадқиқотлар натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

			афзаликлари
Майда ишлар (калькуляция қилиш ва бюджетлаш) учун	Фойдага ўтказиш даврига боғлиқлик	- Маҳсулот харажатлари - Давр харажатлари (даврий)	Хисоб маълум тамойилларидан келиб чиқиб, субъектив
	Таҳлилий кесим	- Харажатлар элементлари - Калькуляция моддалари	Субъектив
	Таннархга киритиш усулига боғлиқлик	- Тўғри (бевосита) - Эгри (бильвосита)	Объектив, техникавий- технологик омилларга боғлиқ
	Калькуляция объекти	- Калькуляция анъанавий объектлари бўйича харажатлар - Калькуляция ноанъанавий объектлари бўйича харажатлар	
Вазиятли, тезкор ва стратегик бошқарув қарорлари қабул қилишни таъминлаш мақсадида ахборотни шакллантириш учун	Карорларни қабул қилиш учун аҳамиятлилик	- Релевант, -Норелевант	Вазиятдан келиб чиқкан ҳолда
	Фаолият ҳажмига (ишлаб чиқариш ҳажмига) боғлиқлик	-Ўзгарувчан , -Ўзгармас - Аралаш	Асосан объектив
	Ўртачалаштириш даражаси	-Ўртача (солиштирма) - Умумий	Субъектив
	Бошқарув қарори учун релевантлик (вақт кесими - келажак)	- Ўтган давр харажатлари	
	Қарор қабул қилиш учун ахборотни узатиш услуби	- Альтернатив - Ўсиб борувчи	Субъектив
Хўжалик юритувчи субъект бўлимларини назорат қилиш ва бошқариш мақсадлари учун	Назорат қилиниш даражаси	- Назорат қилнувчи - Назорат қилинмайдиган	Асосан объектив
	Харажатлар ҳисоби жой объекти	- Масъулият марказлари бўйича харажатлар - Келиб чиқиш жойлари бўйича харажатлар	Субъектив

Фойдаланишнинг устувор мақсади бўйича харажатлар гурухларини ажратиш

каттиқ амалга оширилмайди. Масалан, харажатларни ўзгарувчан ва ўзгармасга

бўлиш нафакат бошқарув қарорлари учун муҳим, балки «директ-костинг» тизимида таннархни калькуляция қилиш учун ҳам ишлатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ташқи муҳитининг диаметрал алмашинуvida, рақобат афзаликларини сақлаб қолишга урғу бериш лозим, деган холосага келинган. Бундан ташқари, бошқарув ҳисоби методологиясининг бошқарув томонидан қўйилган мақсадга бевосита боғлиқлигини асосий қоида сифатида қабул қилиш керак, деб эътироф этилган.

Мунозара. Биз қўйида биз томонимиздан таклиф этилган харажатлар классификациясига берилган ёндашувларни хорижий ва махаллий олимларимизнинг мавжуд ёндашувларини солиштирма таҳлилини келтириб ўтмоқчимиз.

Хорижий тадқиқотчи олим М.А.Вахрушинанинг ёндашуви қўйидагиларни назарда тутади, “Бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъект бошқарувни мақсадларига мўлжалланган бўлишлиги; ахборот таъминотининг корхона бўлинмалари бошқарувига йўналтирилганлиги; факат тезкор қарорларни тайёрлашга йўналтирилганлик (ваҳоланки, тўртинчи вазифанинг стратегик қарорлар билан боғлиқлик эҳтимоли мавжуд)” кабиларни ўз ичига олиши баён этилган. Бундан ташқари, Н.П.Кондрakov ва М.А.Иванова ўз ёндашувларида “саккизта вазифани келтирадилар, масалан, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг миқдорини ва ҳаракатини ҳисобга олиш ва улар бўйича бошқарувчиларга ахборот бериш; маълум кўрсаткичлар ҳисобкитоби ва бошқаларни амалга ошириш имконини бериши”ни такидлашган.

Мазкур ёндашувлар бошқарув ҳисоби мазмун ва моҳиятини очиб беришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бироқ, фикримизча хозирги жадал ривожланаётган иқтисодиётда бошқарув ҳисоби стратегик мақсадларни кўзлаган булиши мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун биз бошқарув ҳисобини мақсад ва вазифалар доирасидан келиб чиқиб бошқарув ҳисобига қўйидагича муаллифлик таърифи таклиф этмоқдамиз: *бошқарув ҳисоби фаолият мақсадларига ва рақобат афзаликларига эришии учун хўжалик юритувчи субъектлар ва унинг бўлимлари фаолиятини бошқарши мақсадида тактиканӣ ва стратегик бошқарув қарорларини тизимили тартибда қабул қилиши учун зарур бўлган тезкор маълумотларни тўплаш, ўлчаш, тизимга солиш, таҳлил этиши ва узатишни таъминловчи ахборот тизимини ташкил этади.* Фикримизча, юқорида бошқарув ҳисобига келтирилган таъриф бошқарув ҳисобини моҳиятини янада мукаммалроқ очиб беришга хизмат қиласди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бухгалтерия ҳисоби бўйича қоидаларда, шунингдек молиявий ҳисобни белгиловчи меъерий хужжатларда «харажатлар», «сарфлар», «чиқимлар» атамалари синоним-сўзлар сифатида ишлатилади[12,13]. Бу атамалар бўйича қатор олимларимизни тадқиқотлари натижаларини келтириб ўтмоқчимиз.

Тадқиқотчи олим А.З.Авлоқулов чиқим, сарф ва харажат категорияларининг амал қилиш доираларини илмий жиҳатдан асосли тарзда кўрсатиб берган бўлса, олимларимиз А.Х.Пардаев, У.У.Костаев, З.А.Пардаевалар ўз тадқиқотларида “харажатларни самарали юритишни

такомиллаштириш масалалари"ни ёритиб ўтганлар. Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш ва шу борадаги мавжуд бошқа илмий мактаблар намоёндаларининг талқинларини таҳлил қилиш натижалари кўрсатадики, атамалар моҳиятини аниқлаш олимлар томонидан муаммони кўтариш учун ўтказилган. Хақиқатда ҳам шундай муаммо бор. Бироқ, унинг мавжудлигига қарамай биз, айни вақтда бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш мақсадида «сарфлар», «чиқимлар», «харажатлар» атамалари синонимлар сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Бироқ ушбу атамалар моҳиятига каратилган тадқиқтларимиз давом этади.

Хулоса. Шу ўринда таъкидлаш керакки, юқорида бир неча бор қайд қилинганидек, ҳисоб тушунчаларини белгилаш учун ишлатиладиган атамаларнинг турлича тушунилиши муносабати билан муаммоларни кўриб чиқишга зарурат туғилмоқда. Шунинг учун, янги муаммоларни таҳлил қилиш билан бир қаторда, биз харажатлар таснифига ўз муносабатимизни қайта кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Ана шу хулосадан келиб чиқиб, бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш ва юритишида қўйидагиларга алоҳида этибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1.Бошқарув ҳисобини мақсад ва вазифалар доирасидан келиб чиқиб, бошқарув ҳисобини моҳиятини янада мукаммалроқ очиб беришга хизмат қиладиган ва стратегик карорлар қабул қилишни ўзида мужассамлаштирадиган ёндашувларни ишлаб чиқиш лозимдир. Бу ёндашув бошқарув ҳисобини

моҳиятан тушунган холда ташкил этишга хизмат килади.

2.Тадқиқотимиз натижаларидағи фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш ва шу борадаги мавжуд бошқа илмий мактаблар намоёндаларининг талқинларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, атамалар моҳиятини аниқлаш олимлар томонидан фақат муаммони кўтариш учун ўтказилганлигини кўриш мумкин. Хақиқатда ҳам шундай муаммо бор. Бироқ, унинг мавжудлигига қарамай биз, айни вақтда бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш мақсадида «сарфлар», «чиқимлар», «харажатлар» атамалари синонимлар сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Бироқ ушбу атамалар моҳиятига каратилган тадқиқтларимиз давом этади.

3.Бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш ва юритиши мақсадида харажатлар классификациясини иккита тоифавий белги бўйича амалга оширишни тавсия қилдик: фойдаланишнинг устувор мақсади (ФУМ) бўйича ва харажатлар категорияси (ХК) бўйича.

4.Харажатларни моҳиятини ташкил қилиш мақсадида харажатларни классификация қилишда эътиборни учта мезонга қартишни таклиф этамиз:

- хўжалик юритувчи субъект фойдасига ўтказиш даврига қараб (*маҳсулотни ишлаб чиқарни харажатлари; давр харажатлари*);
- ишлаб чиқариш ҳажмига қараб (*ўзгарувчан; ўзгармас*);
- таннархга киритилиш усулига қараб (*бевосита; билвосита*).

Таклифимиздаги «маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари; давр харажатлари»нинг концептуал табиати бевосита фойдага таъсир қилиш билан

белгиланади. «Ўзгармас - ўзгарувчан» харажатлар гурухининг аҳамияти - хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқариш қувватидан самарали, оқилона фойдаланиш бўйича стратегик бошқарув карорларини қабул қилишга бевосита

таъсир қилиши билан изоҳланади. Бевосита ва билвосита харажатлар тоифалари «АВ-костинг» тизимидан фойдаланиш концепцияси белгилаб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 24 fevraldagи PQ-4611-sonli “Moliyaviy xisobotlarning xalqaro standartlariga o`tish bo`yicha qo`shimcha chora-tadbirlar to`g`risida”gi qarori. Toshkent. 2021.
2. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagи “2017-2021 yillarda O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha Xarakatlar strategiyasi to`g`risida”gi PF-4947-sonli farmoni.
3. Vaxrushina M.A. Buxgalterskiy upravlencheskiy uchyon. -M.: Finstatinform, 1999.-359 s
4. Kondrakov N.P., Ivanova M.A. Buxgalterskiy upravlencheskiy uchyon. - M.: INFRA-M, 2003.- 368s.
5. M.B.Kalonov. Korxonalarda daromadlarva xarajatlar xisobixamda taxlilimetodologyaini takomillashtirish. /Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. –Toshkent, 2019 y., 63b.
6. A.Z.Avloqulov. Moliyaviy natijalar xisobiva auditimetodologiyasini takomillashtirish. /Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. –Toshkent, 2019 y., 71 b., 15-16 betlar.
7. Pardaev Abdinabi Kh., Kostaev Umidjon U. The improvement of organizing strategic management accounting, Journal of Critical Reviews, 7(18), c. 718-721, ISSN-2394-5125, vol. 7, ISSUE 18, 2020
8. Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshgaruv hisobi: Darslik /A.X. Pardayev, Z.A. Pardayeva. - T.: ”Iqtisod-Moliya”, 2019. -556 b.
9. Problemiy i perespektiviya razvitiya upravlencheskogo uchytota. – Sarsk: Mord. Un-ti nashryoti, 2001.-156 b.
10. Accounting, Auditing and Accountability Journal, Emerald Group Publishing, 2020.<https://scopus.com/sourceid/130105>
11. Accounting, Economics and Law, Walter de Gruyter GmbH, Germaniya, 2020. <https://scopus.com/sourceid/21100843497>
12. <https://www.lex.uz>.
13. <https://www.stat.uz>.